

339.13(043.3)

Б-26

W

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.6П8:339.138(575.123)

БАЛТАШЕВА ЗУХРА АДЕНБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ
САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ
СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисод фанлари номзоди
илемий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2012

339.13(043.3)

339.138

Б-26

Диссертация иши Бердақ номидаги Қарақалпок
давлат университетида бажарылган

Илмий раҳбар:

техника фанлари доктори, профессор
Ахмедов Даврон Насируддинович

Расмий оппонентлар:

иктисод фанлари доктори
Эргашходжаева Шахноза Джасуровна

иктисод фанлари нозоди, доцент
Бухорова Фарида Мирхаликовна

Етакчи ташкилот:


Озиқ-овқат саноати корхоналари
уюшмаси

Диссертация ҳимояси 2012 йил «18» май соат 9⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 ракамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «17» апрель да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
иктисод фанлари номзоди, доцент  А. Н. Самадов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида баркарор иктисодиётни шакллантириш, чукур таркибий ўзгаришларни змалга ошириш, ахоли даромадлари ўсишини таъминлаш, самарали ташки савдо ва инвестиция жараёнларини кучайтириш, кишлоқ хўжалигини ислоҳ килиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда банк-молия тизимини мустаҳкамлашга катта эътибор каратилди.

Президен И.А.Каримов қўйидагиларни таъкидлаб ўтади: «Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иктисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошиликка эришиш ва дунё бозорларига чикиш, биринчи навбатда, иктисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жихатдан ўзгартирли ва диверсификация қилинни чукурлаштириш, юкори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармокларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган кувватларни модернизация қилиш ва техник янги жараёнларини тезлаптириш, янни мамлакатимизда диверсификация ва модернизация қилиш стратегиялари хисобида амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ сарифлаймиз, кўп микдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз. Лекин қатор тармокларда ишлаб чиқариш кувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар мавжуд бўлиб, у эса, маҳсулотлар таннархининг асоссиз равишда ўсиб кетишига олиб келмоқда¹. Иктисолий ислоҳотлар стратегияси иктисодиётнинг хамма бўғинларида янги хўжалик муносабатларини мажмуавий ривожлантириш, бошқарувнинг замон талабларига жавоб берадиган тизимини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ахолининг истеъмол товарлари ва хизматларига бўлган талабларини, уларнинг даромадлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тўларок қондирипдан иборатдир.

Корақалпоғистон Республикасида озиқ-овкат саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлаш, ички ва ташки бозорлар учун рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш маркетинг тизими билан бевосита боғлиқдир. Шу боис, озиқ-овкат саноати корхоналари самарадорлигини ошириш учун энг аввало, мазкур соҳани ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни изчил ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ қилиш мавзунинг долзарбилигини белгилайди.

¹ «2012 йил ватанимиз тараккиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимойи-иктисолий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган вазирлар мажхамасининг мажлисидағи маърузаси./Халқ сўзи. – 2012 йил 20 январь, № 14 (5434)-сони.

Муаммонинг ўрганилганик даражаси. Маркетингнинг назарий ва методологик асослари хорижлик олимлар И.Ансофф. Ф.Котлер, Ж.Ж.Ламбен² ва бошқалар, озиқ-овқат таъминотининг маркетинг назарияси ва амалиётининг илмий ва услубий жиҳатлари Амартья Сен, Манорред Метц, Л.Брадн, Е.В.Серова, В.С.Балабанова, Е.Н.Борисенко, П.Т.Бурдаков, Ю.С.Хромов, Л.С.Чешинский, З.М.Ильина ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган³.

Ўзбекистонда ҳам маркетинг тадқиқотлари усулларидан фойдаланиш амалиётининг айрим масалалари иктисадчи-олимлардан А.Ш.Бекмуродов, И.Иватов⁴, Ш.Дж.Эргашходжаева⁵, Р.И.Нуримбетов⁶, Д.Ж.Жалолова⁷, Ф.М.Назарова⁸, Л.Т.Абдухалилова⁹, А.Ш.Алланазаров¹⁰, А.А.Тошмуротов, Ф.А.Мадияров¹¹ ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Мазкур илмий изланишлар ўз даврига хос бўлиб, бозор муносабатлари ниароитида ҳам маркетинг тадқиқотлари олиб борилишига қарамай, худудлар бўйича, хусусан, Коракалпогистон Республикаси озиқ-овқат саноати бўйича етарли даражада олиб борилмаган. Шунинг учун ҳам, мамлакат ахолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда мазкур корхоналарнинг ишлаб чиқарип ва сотиш фаолиятини маркетинг стратегияси асосида ташкил этиш ўта долзарб бўлиб, ушбу жиҳатлар мазкур мавзунинг таинланишини тақозо этди.

Диссертация ишнинг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси илмий - тадқиқот ишлари билан узвий боғланган бўлиб, у Бердак номидаги Коракалпок давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади. Коракалпогистон Республикаси озиқ-овқат саноатининг ривожланишида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши бўйича назарий ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқищдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Кўйилган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар белгиланди:

² Жан-жак Ламбен «Стратегический маркетинг». Пер. с фр.- СПб.: Наука,1996. - 589 с.

³ <http://www.dlib.eastview.com> -EVX press-Трибуна социолога. Индия. Амартья Сен-исследователь проблем нищеты и перевенства.

<http://www.disserfti.com/ekonomicheskie-priyeme> - Электронный каталог.

<http://www.ecr-ras.ru> - Научный журнал «Экономическая наука современной России».

⁴ Иватов И. Узбекистон дэхзорда маркетинг фаолияти ривожланишининг истикболлари: дис. ... иктисад. фан. док. - Тошкент: ТДИУ, 2003.

⁵ Эргашходжаева Ш. Дж. Бозор рақобати шароитида қишилк жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси: дис. ... иктисад. фан. док. - Тошкент: ТДИУ, 2007.- 335 б.

⁶ Нуримбетов Р. И. Бозор шароитида минтақа иктисадиётини бошқаришинин ташкилий-иктисодий механизми (Коракалпогистон Республикаси мисолида): дис. ... иктисад. фан. док. - Тошкент: Тошкент архитектура-курилиш институт, 2009.

⁷ Жалолова Д. Ж. Истеммол товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари (Ўзбекистон мева-сабзавот консервалари саноати мисолида): Дис. ... иктисад. фан. номзод. - Тошкент: ТДИУ, 2008.- 150 б.

⁸ Назарова Ф. М. Ўзбекистон Республикаси лизинг компаниялари фаолиятида маркетингнинг самарадорлиги: дис. ... иктисад. фан. номзод. - Тошкент: ТДИУ, 2004.- 145 б.

⁹ Абдухалилова Л. Т. Гўшт ва сут маҳсулотлари маркетинг стратегияси (Тошкент вилояти мисолида): дис. ... иктисад. фан. номзод. - Тошкент: ТДИУ, 2005.- 151 б.

¹⁰ Алланазаров А. Ш. Дон маҳсулотлари маркетинги ва уни тақомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси мисолида): дис. ... иктисад. фан. номзод. - Тошкент: ТДИУ, 2001.- 142 б.

¹¹ Мадияров Ф. А. Истеммол товарлари бозорида маркетинг тизими ривожланиши (Озиқ-овқат товарлари мисолида): дис. ... иктисад. фан. номзод. - Наманган: ТДИУ, 2008.- 150 б.

- иктисодиёт соҳаларини ривожлантиришда маркетинг фаолияти мөхияти ва ахамиятини ўрганиш;
- иктисодиётда озик-овқат саноатининг тутган ўрни ва ахамиятини ўрганиш хамда унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
- Қорақалпогистон Республикаси озик-овқат саноати бозорида маркетинг стратегиясининг тавсифлари ва хусусиятларини кўрсатиш;
- мазкур худуднинг озик-овқат саноати ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш;
- минтақада озик-овқат саноати маркетинг стратегиясини шакллантириш ва қўллаш механизмларини кўрсатиш;
- минтақада озик-овқат саноати маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф ўзгаришларини таҳлил қилиш;
- озик-овқат саноати ривожланишининг истиқболли йўналишларини, яъни маркетинг стратегиясини такомиллаштириш йўлларини асослаш ва аниклаб бериш.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти Қорақалпогистон Республикаси озик-овқат саноати корхоналари.

Тадқиқот предмети озик-овқат саноат корхоналари самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий ва ижтимоий - иктисодий муносабатлар йигиндиси асосида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуслари. Илмий изланиш жараённида мантикий, тизимли ва таҳлилий таққослаш, иктисодий-статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, баҳоратлаш ва бошқа усуслардан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Диссертацияда асосланган хулоса ва таклифлар Қорақалпогистон Республикаси истеъмол бозорида озик-овқат саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш асосида корхоналарнинг фаолият юритиш самарадорлигини ошириш ва улбу соҳа истиқболларини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар. Озик-овқат саноатини ривожлантириш учун унинг маркетинг тизимини такомиллаштириш йўллари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан:

- Қорақалпогистон Республикаси озик-овқат саноати корхоналарининг маркетинг имкониятларини ўрганиш ва баҳолаш;
- озик-овқат саноатини ривожлантириш ва маҳсулотлар ҳаракат тизимида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;
- озик-овқат саноатини ривожлантиришнинг маркетинг тизимини такомиллаштириш йўллари;
- озик-овқат саноатини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириши;
- ҳалқаро бозорлар стратегиясидан фойдаланган ҳолда, корхоналарнинг экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш механизмини ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Қорақалпогистон Республикаси озик-овқат саноатининг ривожланишида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича назарий ва илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишидан иборат бўлиб, тадқиқот ишининг илмий янгилиги куйидагиларда ифодаланади:

- озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш зарурияты асосланган;
- рақобатли бозор мұхитида озиқ-овқат саноати корхоналарининг ривожланишини таъминлайдиган рақобатбардошлиқ стратегияси илмий-назарий томондан асосланиб ишлаб чиқилған;
- талаб ва таклиф мұносабатларидаги үзгаришлар хисобға олинған ҳолда озиқ-овқат саноати ривожланишининг маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилған;
- ақолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлған талабини қондиришда ва озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантиришда сегментация стратегияси математик усууллар ва моделлар таҳлили асосида таклиф этилған;
- ишлаб чиқариш фондларининг таҳлилини үтказишга каратилган иммитацион тизим ишлаб чиқилған;
- озиқ-овқат саноати ривожланишининг узоқ ва якин келажақдаги башорати ишлаб чиқилған.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқотнинг илмий ва амалий ахамияти озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи миллий корхонанинг маркетинг фаолиятини такомиллаптиришга каратилған таклифлардан иборат бўлиб, улар корхонани бозор улушини оширишга имкон беради ва корхона фаолиятини самараали ташкил қилиш йўлларини кўрсатиб беради. Бу эса, ўз навбатида, бозорни зарур товарлар билан таъминлаш, ҳаридорлар талабларини қондириш хисобига республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга хизмат килсади. Ишлаб чиқилған моделлар олий таълим тизимида иктисодиётнинг макромоделларини тузиш ва ўрганишга каратилган фанларни ўқитишида фойдаланилади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация хулоса ва таклифлари Қорақалпогистон Республикаси озиқ-овқат маҳсулотлари саноатининг иктисодиётдаги ўрнини таҳлил килишда ишлаб чиқилған моделлар ва маркетинг стратегиялари олий таълим тизимида иктисодиётнинг макромоделларини тузиш ва ўрганишга каратилган фанларни ўқитишида Бердақ номидаги Қорақалпок давлат университети томонидан (2012 йил 6 январдаги 01-21-01/17- сонли далолатнома) ва Қорақалпогистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги (2012 йил 5 январдаги 05/07- сонли далолатнома) амалиётда фойдаланиш учун қабул қилган.

Ишнинг синондан ўтиши. Тадқиқот натижалари Бердақ номидаги Қорақалпок давлат университетида ўтказилған «Ўллы ҳәм мүқаддессен ғәрэзсиз Ўатан!» ва «Экономиканы раўаждандырыўуда кипи бизнес ҳәм жеке исбілерменліктиң орны» мавзуудаги республика илмий-амалий анжуманида (Нукус, 2011), «Экономиканы раўаждандырыўуда дүнья жүзилик инновацияларын пайданалыў машқалалары» мавзуудаги республика илмий-амалий анжуманида (Нукус, 2009), Тошкент давлат иктисодиёт университетида ўтказилған «Иктисодий таркибий қисмлар ўргасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари» мавзуудаги республика илмий-амалий анжуманида (Тошкент, 2008 йил), Бердақ номидаги Қорақалпок давлат университетида ўтказилған «Миллий экономикала бәсекеге шыдамлылыкты

арттырып хэм регионаллык басқаруудың машқалалары» мавзудаги республика илмий-амалий анжуманида (Нукус, 2007), шу университеда үтказилған «Мир науки и духовной культуры в современных условиях» мавзудаги олий ўкув юртлари магистрант ва талабалари илмий анжуманида (Нукус, 2007), «Экономиканы еркінлестириү шараятында регион экономикиасын раýажландырыў машқалалары» мавзудаги республика илмий-назарий анжуманида (Нукус, 2006), «Гурақлы экономикалық раýажландырыў хэм басқарууда информациялық хызмет» мавзудаги республика илмий-амалий анжуманида (Нукус, 2005), «Проблемы изучения и пути решения социального развития региона в условиях экологического кризиса» мавзудаги республика илмий-амалий анжуманида (Нукус, 2004), «Киши хэм орта бизнеси раýажландырыудағы машқалалар хэм жана информациалық технологиялар» мавзудаги республика илмий-амалий анжуманида (Нукус, 2004) маýруза килинган ва маъкулланган.

Шунингдек, диссертация иши Бердак номидаги Коракалпоқ давлат университети Иқтисодиёт кафедрасининг көнгайтирилған йигилишида (2010 йил 24 мартағы 8-сонли баённома) ва Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридеги филиали хузуридаги назарий-услубий семинар (2010 йил 14 сентябрдагы 2-сонли баённома) мажилисиде муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон килингандылығы. Диссертация иши бўйича 19 та илмий макола чоп этилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 3,3 босма табоқни ташкил этади.

Диссертациянинг ҳажми ва таркиби. Диссертация ишининг умумий ҳажми 175 бет бўлиб, унга 14 та жадвал, 14 та расм, иловалар киритилган. Диссертация иши кириши, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Диссертациянинг кириш кисмидаги мавзунинг долзарблиги ҳамда унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, обьекти, предмети, илмий янгиликлари, илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган.

Ишнинг «Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишининг назарий ва услубий асослари» деб номланган биринчи бобида маркетинг фаолиятининг моҳияти, тушунчаси ва унинг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти, стратегияси ва хусусиятлари, рақобат шароитида ривожлантириш тамоиллари ва стратегияси кўриб чиқилган.

Ишнинг «Иқтисодий ислоҳотлар шароитида Коракалпоғистон Республикаси озиқ-овқат саноатини маҳсулотлари бозорининг ривожланиши ва унда маркетингдан фойдаланиши» деб номланган иккинчи бобида мазкур бозорнинг ривожланиши ва унда маркетингдан фойдаланиш таҳлили берилib, минтақа бозорининг ривожланиши ҳолати, талаб ва таклифнинг шаклланиш хусусиятлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда рақобатбардошлик муҳитини шакллантириш хусусиятларига эътибор қаратилган.

Ишнинг «Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида Коракалпоғистон Республикасида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг маркетинг

стратегияси йўналишларини такомиллаштириш» деб номланган учинчى бобида маркетинг стратегияси йўналишлари мухокама этилган, жумладан, озиқ-овқат саноати корхоналари маркетинг фаолиятини ривожлантиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш, корхоналарнинг маркетинг стратегияларини шакллантириш ва иқтисодий-математик моделлардан фойдаланиш бўйича маълумотлар бериб ўтилган.

Ишнинг хулоса кисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган илмий хулоса ва таклифлар берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Республикамизда бозор товарлар билан тўйиниб, бозорнинг баркарор тузилмаси ва инфратузилмаси шаклланмоқда, хўжалик субъектлари мустақиллиги кенгайиб, тадбиркорлик ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу жиҳатлар ҳаммаси бозор муносабатларининг объектив конунийлиги ва демократик асослар кучайиб бориши ва натижада бозорнинг янги босқичга ўтиши учун шарт-шароитлар яратилаётганидан далолат беради. Бу янги босқич харидор ва сифат бозоридан иборат бўлиб, товар истеъмолчилар тасавурига мос келадиган тушунчалар билан баҳоланади ва истеъмолчи сифатли, деб қабул қилган тақдирда унинг харид қилиниши содир бўлади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида товарлар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни рағбатлантириш, истеъмолчилар ҳукуқини химоя қилиш, озиқ-овқат товарлари хавфсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари, хусусий корхоналар, метрология хизмати, стандартлаштириш, товарлар (хизматлар)ни сертификатлаштириш, реклама тўғрисидаги қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Махкамаси қарорлари ўз вақтида қабул қилиниб, ижролари таъминланаётганилиги сабабли, истеъмол товарлари бозори ривожламоқда, яъни ҳар бир шаҳар, туман ва қишлокларда замонавий услубда курилган янгидан-янги бозорлар, супермаркет, дўконлари, ошхоналар, дорихоналар, чойхоналар ва хизмат кўрсатиш шоҳобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда физиологик, миллий урфодат, ҳудудий иклим, шароити, интеллектуал ҳусусиятларга асосланган чегаралар мавжуд бўлиб, бозорлар маҳсулотлар билан тўлдирилиши натижасида аҳоли даромадлари ўсиши кузатилади ва талабнинг ортиқча эмаслиги натижаси озиқ-овқат истеъмоли учун сарфланадиган харажатлар улуши камаяди, даромадлар бўйича салбий эгилувчанлик кузатилади ва бопка товарларга эътибор қаратилиб, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Бу эса, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотлари эластиклигининг юкори бўлмаслик шарт-шароитларини вужудга келтиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, баъзи озиқ-овқат маҳсулотларига талаб нисбатан секин ўзгаради ва кўплаб омиллар, айрим ҳолларда умумий ёки бир маҳсулотга тегишли бўлган омиллар асосида белгиланади. Масалан, гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган муносабат аҳолининг қишлоқ хўжалигига бўлган муносабатлари асосида аникланади. Аҳоли томонидан ҳар доим истеъмол килинадиган озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ҳам такрор содир бўлиши

кузатилади. Масалан, пиёз, картошка, полиз экинларига бўлган муносабат шу жараёнларни ўзида тұлиқ акс эттиради.

Озиқ-овқат маҳсулотларига талаб кам эгилувчанликка эгадир, яъни нархнавонинг кескин күтарилиши талаб миқдорининг кескин камайишига олиб келмайди, шу билан бир вактда сотувчи даромадининг ортиб бориши кузатилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари таклифи нарх-наво ўзгаришига ҳам боғлик бўлиб, яъни товар ҳажмини қўпайтириш ёки камайтириш хусусиятига эта.

Ахоли жами ҳаражатлари таркибида озиқ-овқат товарлари салмокли хиссага эга бўлиб, мазкур маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича маркетинг мажмуасидан фойдаланиш зарурлиги ҳакида кўплаб назарий ва амалий фикрлар билдирилмоқда. Ж. Родес озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги ҳакида тўхталиб, «Маркетинг – бу, озиқ-овқат ва техника, хом ашёларни фермер хўжалигидан бевосита истеъмолчигача бўлган фаол иш юритиш ёки иш билан боғлик бўлган барча жараёнларни коплаб оладиган ҳаракатлар йиғиндисидир» деб изоҳлайди.

Шуни қайд қилиш лозимки, ҳозирги пайтда иқтисодчи олимлар томонидан маркетинг фан¹², амалий иқтисодий предмет¹³, жараён¹⁴ ёки фаолият¹⁵ деб изоҳланмомда. Аммо, бозор муносабатлари эволюциясининг ривожланиши маркетинги фақат ташкилотнинг ишлаб чиқариши натижаларини ҳисобга олиш ва таъсир йўналишини¹⁶ аниқлаш «бошқариш тизими» деб эмас, балки ташкилотнинг пухта, мақсадли ишлаб чиқилган бизнес концепцияси ва бошқариш фалсафаси деб қараш узок истиқбол учун қўйилган мақсадларга этишиш имкониятини яратади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг маъмурий-таркибий худуди сифатида мамлакат қишлоқ хўжалигининг энг шимолий минтақаси ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси экологик ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари, яъни Амударёнинг қуий кисми ва Оролбўй минтақалари яшаш шароитининг оғирлашувига олиб келди. Минтақа аҳолисини сифатли ва етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш орқали аҳоли саломатлиги ёмонлашувига йўл қўймаслик талаб этилади. Олимлар фикрича, озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини ушлаб туриш учун республиканинг ўзида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори талабнинг 80-85%ини коплаши лозим. Бу кўрсаткич 70%дан паст бўлса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш хавф остида колиши мумкин. Қонуниятлар бузилиши эса, ижтимоий-иктисодий ривожланиши барқарорлиги бузилишига олиб келади.

Озиқ-овқат саноати - иқтисодиёт тармоқларининг муҳим бўғини ҳисобланади. Унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилда 63339,7 млн.

¹² Маркетинг/Под ред. А.Н. Романова и др. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2004. С. 29.

¹³ Кретов И.И. Организация маркетинга на предприятиях. - М.: Юрист, 2001. -С. 111

¹⁴ Данько Т. П. Управление маркетингом. – М.: ИНФРА. 2001. -С.56.

¹⁵ Иватов И. Саноатда маркетинг. – Т. Фан. 2004. -Б.19.

¹⁶ Голубков Е.П. Маркетинг. Словарь-справочник – М.: Дело, 2001.- С. 228.

сүмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда эса 83052,4 млн. сўмни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида саноат тармоқлари бўйича маҳсулотлар ва истемол товарлари ишлаб чиқарилиши (млн. сўмда)¹⁷

Саноат тармоқлари	Йиллар						
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Жами маҳсулот ишлаб чиқариши	198819,5	239431	298892,9	397903,2	349948,3	406673,8	520315,6
Шундан тармоқлар бўйича:							
Энергетика саноати	50570	61148,2	70665,8	97734,5	118178,3	-	-
Ёкилиги саноати	27282,6	31181,3	45836,3	57372,5	67951,9	65462,5	82153,0
Кимё ва нефтикимё саноати	396	5317,5	15449,8	24569,2	27972,8	35135,3	49050,8
Қора металлургия саноати	-	2676,4	3045,1	6172,2	6801,0	6441,8	11026,0
Машинасозлих ва металлни кайта ишлаш соҳаси	1479,4	1398,6	1796,7	3354,9	3414,2	3186,4	5260,8
Урмон-ёғочни кайта ишлаш саноати	695,2	1485,6	1647	1916,4	1764,0	1863,0	3230,7
Курчилиш материаллари саноати	5903,1	7596,7	11005	14926	16544,1	33403,9	38415,2
Енгил саноат	69814,5	83393,4	94238,2	105456,9	121006,1	136002,7	164227,6
Озиқ-овқат саноати	19027,6	20377,2	28717,3	45924,3	51389,2	63339,7	83052,4
Саноатнинг бошқа тармоқлари	23651,1	24856,1	26491,6	40476,3	53691,3	-	-
Истемол товарлари	52415,3	57489	73372,8	102472	140736,9	153634,5	228379,6
Шу жумладан:							
Озиқ-овқат маҳсулотлари	37933,1	38560,7	44452,9	62841,5	75923,7	86101,1	124568,3
Ноисик-овқат маҳсулотлари	7558,5	10862,9	17477,8	27311,8	38551,5	39823,1	68195,9
Арок, вино маҳсулотлари ва пиво	6923,7	8065,4	11442,1	12318,7	26261,8	27710,4	35615,4

Озиқ - овқат саноати асосан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга асосланган. Тармоқда озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тозаланган ўсимлик ёғи, балиқ, ун ва макарон маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари, мева-сабзавот, консервалари, чой, узум, шампан виноси, спирт, арок, пиво, салкин ичимликлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқилади (2-жадвал).

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов «Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жихозланган янги, замонавий қайта ишлаб чиқариши корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун хар томонлама мустаҳкам ҳом ашё базасини ташкил этиш зарур. Бундай ишлаб чиқариш кувватлари хар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялли ички маҳсулотни ошириш, балки озиқ-овқат ишлаб чиқаришини кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига

¹⁷ Қоракалпоғистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги ва статистика ахборотномаси

Эхтиёж хамиша юкори бўлиб, бу эхтиёж бўндан буён хам ортиб боришга шубҳа йўқ»¹⁸, - деб таъкидлаган эдилар.

2 - жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган озик-овқат саноати маҳсулотлари¹⁹

Ишлаб чиқарилаётган озик-овқат маҳсулоти турлари	Ишилар						
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Сут ва сут маҳсулотлари, тонна	39573	52867	56126	59297	61009	60942	60097,0
Мево-сабзавот консервлари, минг шартли банка	2602	3709	3707	4101	5202	5740	6290,0
Усимлик ёғи, тонна	13297	15264	14383	16496	13247	13325	11561,0
Макарон маҳсулотлари, тонна	3813	4485	4383	3024	5450,4	7515	8972,0
Арок ва арок-ликер маҳсулотлари, минг декалитр	349	381	451	452	638	666	695,0
Ун, тонна	77192	70024	76883	80345	74760	7157	86452,0

Қорақалпоғистон Республикаси кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чукурлаштириш, фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш ва хусусий сектор улушини оширишга эришилмоқда, 2011 йилда фермер хўжаликлари сони 3423 (2010 йили 4119) тани, уларга бириктирилган умумий қишлоқ хўжалиги ер майдони 564,5 (2010 йили 585,6) минг гектарни, шу жумладан, экин майдони 188,2 (2010 йили 229,3) минг гектарни ташкил этади. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларида фермер хўжаликларининг улуси 2010 йилда 193695,4 млн. сўмни, 2011 йилда эса 193900,2 млн. сўмни ташкил этди. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2010 йилда 262,9 минг га ер майдонига қишлоқ хўжалик экинлари экилган бўлса, 2011 йилда эса, бу кўрсаткич 224,0 минг га ер майданини ташкил этди. Шундан, донли экинлар 2010 йилда 102,6 минг гани, 2011 йилда эса 74,2 минг гани, картошка - 2010 йилда 5,95 минг гани, 2011 йилда 4,58 минг гани, сабзавот-полиз экинлари - 2010 йилда 12,68 минг гани, 2011 йилда эса 14,06 минг гани ташкил этди.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2010 йилда 243,7 минг тонна донли экинлар, 29,2 минг тонна картошка, 134,1 минг тонна сабзавот, 69,5 минг тонна полиз, 24,7 минг тонна мева ва 3,47 минг тонна узум маҳсулотлари етиширилди, 2011 йилда эса 199,5 минг тонна донли экинлар, 32,94 минг тонна картошка, 145,08 минг тонна сабзавот, 76,28 минг тонна полиз, 27,36 минг тонна мева ва 3,67 минг тонна узум маҳсулотлари етиширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2010 йилда давлатга 188,0 минг тонна пахта ва 201,3 минг тонна бошоқли экинлар сотилди. Бундан ташқари, гўшт тирик вазнда 58,9 минг тонна, сут 183,6 минг тонна, тухум 46,0 млн. дона, жун 861 тонна ва қоракўл тери 68,5 минг дона етиширилди. 2011 йилда эса 195,4 минг тонна пахта, 172,4 минг тонна бошоқли экинлар сотилди. Гўшт

¹⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози.: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг ўйлари ва чоралари -Т.: Ўзбекистон. 2009. - Б. 56.

¹⁹ Қорақалпоғистон Республикаси статистик ахборотномаси

тирик вазида 54,79 минг тонна, сут 201,9 минг тонна, тухум 58,34 млн. дона, жун 923 тоинна ва қоракўл тери 77,53 минг дона етиштирилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 2010 йилда 759,8 минг бошга, шундан сигирлар 254,2 минг бошга, чўчқалар 3,7 минг бошга, кўй ва эчкилар 764,2 минг бошга, отлар 18,5 минг бошга ва паррандалар 1526,9 минг бошга етди. Барча тоифадаги хўжаликларда ўртача битта сигирдан согиб олинадиган сут миқдори 772 кг ва битта товукдан олинадиган тухум 66 донани ташкил этди. Чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехкон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 97,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 72,5 фоизни ташкил этди. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш учун Коракалпогистон Республикасида учта, яъни «Амуузуммевасабзавот», «Тўрткўл-Меърож», «Тахиркўл-баубахча» агрофирмалари фаолият кўрсатмокда. Улар фермер хўжаликлиридан 4867 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олган, шундан 1706 тоннаси қайта ишланган. «Амуузуммевасабзавот» агрофирмаси томонидан эса 800 тонна сотиб олиниб қайта ишланган. «Тўрткўл-Меърож» агрофирмаси томонидан 567 тонна сотиб олиниб, 256 тоннаси қайта ишланган. «Тахиркўл » агрофирмаси томонидан эса 3500 тонна сотиб олиниб, 650 тоннаси қайта ишланган.

Фермер хўжаликлирида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарип ҳолати З-жадвалда келтирилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, экин майдонлари ҳажми ва унинг таркибига, ер унумдорлигига боғлиқ.

Аксарият фермер хўжаликлири иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш рентабеллигигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик килган.

Бугунги кунда қайд этилаётган камчиликлар ва муаммоларни ҳал этиш ҳамда муракқаб вазиятни мунтазам яхшилаб бориш мақсадида Коракалпогистон Республикаси озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, ислоҳ қилиш жараёнини чукур тахлил этиш, кабул килинган ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар ва уларда белгиланган тартиб-коидаларни иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги талабларига мос равишда такомиллаштириш ва амалиётта самарали татбик этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий ахамиятга эга бўлган долзарб муаммо ҳисобланади.

Демак, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳозирги кунда ҳам муҳим ахамиятга эга бўлиб, аҳоли сонининг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсишига олиб келмокда. Таҳлиллар бўйича аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг қондирилиш даражаси пасайиши кузатилмоқда. Буни кузатишлар натижаси бўйича олинган маълумотлар асосида ҳисоб-китоб натижаларидан кўриш мумкин.

3-жадвал

**Қоракалпогистон Республикаси фермер хұжаликларида асосий
кишлөк хұжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарыш²⁰**

Маҳсулот	Ишлар									
	2007		2008		2009		2010		2011	
	Минг тонна	Ишлаб чиқарыш умумий хажміда ги улущи	Минг тонна	Ишлаб чиқарыш умумий хажміда ги улущи	Минг тонна	Ишлаб чиқарыш умумий хажміда ги улущи	Минг тонна	Ишлаб чиқарыш умумий хажміда ги улущи	Минг тонна	Ишлаб чиқарыш умумий хажміда ги улущи
Бошокли дон	181,1	74,5	131,0	72,0	183,2	132,8	186,7	138	199,5	66,5
Шу жумладан: Бүгдой	180,9	74,5	131,0	72,0	-	-	201,0	-	172,1	85,6
Картошка	3,3	19,2	4,5	20,8	25,1	7,0	29,2	9,0	32,9	5,9
Сабзавот, полиз	48,7	48,9	64,1	53,9	124	99,14	203,63	97,33	221,3 7	98,7
Мева ва резаворлар	8,4	51,1	28,9	47,1	67,39	10,71	24,72	11,94	27,4	10,7
Узум	0,3	11,5	0,4	13,0	24,58	0,43	3,47	0,45	3,67	0,58
Гүшт, тирик вазнда	0,9	1,9	1,0	1,9	54,2	1,1	58,9	1,3	54,79	103
Сут	8,0	5,5	8,4	5,3	171,3	9,2	183,6	8,5	201,9	10,0
Тұхум, млн. дона	0,7	2,2	0,74	1,9	45,5	1,1	46	4,6	58	6,8
Жүн, тонна	19,0	2,8	23,5	3,1	0,79	0,03	0,86	0,04	0,9	0,07
коракұл, минг	0,6	1,1	0,8	1,3	64,86	0,93	68,5	0,10	77,5	0,13
Пиля, тонна	712	95,7	700	87,1	803	777	814	789	814,7	789

Озик-овқат маҳсулотларига бұлған талабнинг кондирилиш даражаси қўйидаги формула асосида аникланади:

$$K_{m_{ki}} = \frac{\bar{q}_{xu}}{\bar{q}_{nbi}} \quad (1)^{21}$$

Бу ерда: \bar{q}_{xu} -жон бошига ҳақиқий истеъмол қилинган маҳсулот (4-жадвал);

\bar{q}_{nbi} -жон бошига меъёр бүйіча истеъмол қилиниши лозим бұлған маҳсулот (5-жадвал).

Маълумотлар асосида қўйидаги натижалар олинди:

$$K_{non_nonmahsulotlari} = \frac{160kz}{140,199kz} = 1,141235 \approx 1,14;$$

²⁰ Қоракалпогистон Республикасинин статистик ахборотномаси

²¹ Абдуллаев Ә. Макроекономий статистика. 100 савол ва жағын -Т.: Мехнат, 1998 й. -Б. 153.

$$K_{\text{чаша, суп, кашап, кашап-шарф}} = \frac{38\kappa_2}{52,092\kappa_2} = 0,7294795 \approx 0,73;$$

$$K_{\text{суп, супак, кашап, кашап-шарф}} = \frac{239\kappa_2}{198,18\kappa_2} = 1,205974 \approx 1,206;$$

$$K_{\text{май}} = \frac{138\text{дона}}{292\text{дона}} = 0,472603 = 0,473;$$

$$K_{\text{сафланотар}} = \frac{238\kappa_2}{132,253\kappa_2} = 1,799581 \approx 1,7996;$$

$$K_{\text{жарылчына}} = \frac{45\kappa_2}{53,892\kappa_2} = 0,835003 \approx 0,835;$$

$$K_{\text{безжарылчына}} = \frac{13\kappa_2}{8,748\kappa_2} = 1,486054 \approx 1,486;$$

$$K_{\text{шакар}} = \frac{17\kappa_2}{19,116\kappa_2} = 0,889307 \approx 0,889;$$

$$K_{\text{ягода}} = \frac{83\kappa_2}{78,084\kappa_2} = 1,062958 \approx 1,063;$$

4-жадвал

Республикада асосий истеъмол маҳсулотларининг
истеъмол қилиниши (аҳоли жон бошига, кг. ҳисобида)²²

Маҳсулот турлари	Йиллар								2010 йилда, 1990 йилга нисбатан, фоизла
	1990	2000	2001	2002	2003	2004	2009	2010	
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	170	220	244	230	165	160	94,1
Гӯшт ва гӯшт маҳсулотлари	31	34	32	33,8	36,3	38	36	38	122,6
Сут ва сут маҳсулотлари	183	162	161	145	156	163	212	239	130,9
Туҳум (дона)	97	47	50	53	63	71	130	138	142,3
Сабзавот, жумладан, полиз	107	128	125	133,6	152	148,6	237	238	222,1
Картошка	29	36	36	30,4	32,3	34,1	41	45	155,2
Усимлик ёғи ва бошқа мойлар	12	12	10,2	8,6	8,3	8,2	13	13	103,2
Шакар	12	16	15,3	9,6	7,4	0,30	16	17	137,5
Мева, жумладан, узум	23	42	42	53,2	45,2	54,4	74	83	360,0

Агар, $K_{mk_i} = 1$ бўлса, у ҳолда аҳолининг мазкур турдаги маҳсулотта бўлган талаби тўлиқ кондирилган, агар $K_{mk_i} > 1$ бўлса, у ҳолда аҳолининг мазкур турдаги маҳсулотга бўлган талаби ортиқ, яъни оширилиб кондирилган, агар $K_{mk_i} < 1$ бўлса, у ҳолда аҳолининг мазкур турдаги маҳсулотта бўлган талаби етарли даражада кондирилмаган ҳисобланади.

²² Ўзбекистон Республикаси иктисодий-ижтимоий тараккиётининг мустакиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва қўрсакчиchlари хамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.- Б. 87.

Хисоблашлар натижаларининг кўрсатишича, сут ва сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, сабзавотлар, ёғ маҳсулотларида $K_{m_k} > 1$ бўлмоқда, у холда ахолининг мазкур турдаги маҳсулотга бўлган талаби ортиқ, яъни оширилиб кондирилган.

5-жадвал

Асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртacha бир кишига суткалик, ойлик ва йиллик иsteъmol меъёри²³

№	Маҳсулотларининг номи	Суткалик (грамм/сутка)	Ойлик (грамм)	Йиллик (кг)
1.	Дуккаклилар	8,48	254,4	3,053
2.	Ун	19,5	585,0	7,020
3.	Гуруч	20,8	624,0	7,488
4.	Ермалар	8,86	265,8	3,190
5.	Нон	319,1	9573,0	114,876
6.	Макарон	13,2	396,0	4,572
7.	Картошка	149,7	4491,0	53,892
8.	Карам	44,5	1335,0	16,020
9.	Помидор, бодринг	87,3	2619,0	31,428
10.	Сабзи, лавзаги	72,7	2181,0	26,172
11.	Сабзавотлар, пиёз	94,8	2844,0	34,128
12.	Полиз	53,7	1611,0	19,332
13.	Ковоқ (кади)	14,37	431,1	5,173
14.	Мевалар	178,8	5364,0	64,368
15.	Куритилган мевалар	21,22	636,6	7,639
16.	Узум	38,1	1143,0	13,716
17.	Цитрус мевалар	10,1	303,0	3,636
18.	Мол гўшти	58,9	1767,0	21,204
19.	Қўй гўшти	22,4	672,0	8,064
20.	Парранда гўшти	26,8	804,0	9,648
21.	Балик	36,6	1098,0	13,176
22.	Сут, сут маҳсулотлари	550,5	16515,0	198,180
23.	Тухум (донада)	0,81	24	292
24.	Шакар	53,1	1593,0	19,116
25.	Маргарин	4,2	126,0	1,512
26.	Усмимлик мойн	20,1	603,0	7,236
27.	Йодланган туз	8,8	264,0	3,168

Картошка, тухум, шакар, гўшт ва гўшт маҳсулотларида эса, $K_{m_k} < 1$ холатига тўғри келади. Бу эса, ахолининг мазкур турдаги маҳсулотта бўлган талаби етарли даражада кондирилмаган хисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб етарли даражада кондирилмаганлиги ахоли сонининг ўсишига ҳам боғлиқ.

Юкорида келтириб ўтилган маълумотлар билан бир қаторда маҳсулот (товар)га бўлган талабни ўрганиш ва унинг истиқболини белгилаш учун Республика микёсида ахоли жон бошига иsteъmol килишининг маълум даврдаги тенденциясини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун эса, маҳсулотни isteъmol қилиш кўрсаткичлари қийматларига назар солиш лозим.

Сўнгти йилларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсганлиги кузатилиб, яқин келажакда унинг янада ўсиши куттилмоқда. Қорақалпоғистон

²³ Ўзбекистон Республикаси Соглиқни саклаш вазирлиги, Давлат Бош санитар врачи томонидан 2003 йил 11 марта тасдиқланган гигиеник меъбрлар асосида хисобланган.

Республикасида корхона маҳсулотига талабни кандай бўлишини таҳдил килиш учун даромад эластиклигини ўрганиш лозим ва у даромад ўзгариши катталигининг маҳсулотга бўлган талаб ўзгариши катталигига нисбатини ифодалайди. Ахоли даромад даражасининг ўсиши озиқ-овкат маҳсулотларига бўлган талабга нисбатан дискремион (яъни, хоҳиши истакка қараб ҳарид қилинадиган) товарларга бўлган талабга кўпроқ таъсир қиласди.

Агар эластиклик даражаси 1 дан катта бўлса, талаб эластик бўлади. Агар ушбу кўрсаткич 1 дан кичик бўлса, талаб эластик бўлмайди. Эластиклик кўрсаткичининг 1,8 га тенг бўлиши даромадлар даражаси 1% га ўсганида муайян маҳсулот (товар)га бўлган талабнинг 1,8% ўсишига олиб келишини кўрсатади.

Агар ахоли жон бошига озиқ-овкат истеъмол қилиш кўрсаткичлари бир неча йиллар мобайнида барқарор бўлиб турса, у ҳолда маҳсулотларни сотиш бозори ҳажми ҳам ўзгармай туради. Озиқ-овкат маҳсулотлари сарф-харажатларининг ахоли шахсий даромадидаги улушининг паст даражада бўлиши ахоли турмуш даражаси юкори эканлигидан далолат беради ва бундай шароитда бозор ҳажмининг ўсиши ахоли сони ўсишига боғлиқ бўлиб қолади.

Қорақалпоғистон Республикаси ахолисининг ўсишига назар соладиган бўлсак, куйида келтирилган математик модель асосида 2012 йилга прогноз бериб ўтишимиз мумкин. У куйидагича кўринишга эга бўлади. Бунинг учун X_n билан n -йил охиридаги ахоли сонини белгилаб оламиз. Ахоли сони бир йилдан сўнг, яъни $n+1$ -йилда X_{n+1} ни ташкил этади деб белгилаб оламиз ва ундан жорий йилдаги ахоли сонини айриб таплаш асосида ахоли сонининг ўзгаришини хисоблашга эришамиз:

$$\Delta X_{n+1} = X_{n+1} - X_n. \quad (2)$$

Модель учун иккита омилни белгилаб ўтамиз:

- ахоли туғилиши;
- ахоли сони ўзгаришига ахоли ўлими ва кўчиши (масалан, миграция) ўз таъсирини кўрсатади.

Баъзи ҳолларда ахоли туғилиши ва вафот этишини статистик маълумотлар асосидаги ҳисботлардан олиш ҳам қийин кечади. Бу масалани ҳал қилиш учун ҳар бир йилда ҳудудлар учун ахоли туғилиши ва вафот этишини ҳисоблаб, олинган қийматларни таъкослаб чиқиши керак:

$$b_1, b_2, \dots, b_k; \quad d_1, d_2, \dots, d_k.$$

Масалан, 2011 йилдаги ахоли сони куйидагича бўлди:

$$X_1, X_2, \dots, X_k.$$

Туғилиш ва вафот этиши ахоли сонига нисбатлари жуда кам ўзгаради.

$$\begin{aligned} &b_1 / X_1, b_2 / X_2, \dots, b_k / X_k; \\ &d_1 / X_1, d_2 / X_2, \dots, d_k / X_k \end{aligned} \quad (3)$$

Ҳисоб-китобни соддалаштириш учун бу нисбатларни α ва β деб белгилаб оламиз.

N -йилда туғилганлар сони αX_n ва вафот этганлар сони βX_n бўлса, ахоли сонининг ўзгариши $+\alpha X_n - \beta X_n$ ни ташкил этади (6-жадвал).

6-жадвал

Қарақалпоғистон Республикаси аҳолисининг демографик ўзгариши²⁴

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Аҳоли сони, минг киши	1565,1	1570,9	1577,3	1589,0	1605,5	1623,1	1650,2	1693,6
Тугилганлар сони, (хар 1000 кишига)	35195 (22,49)	32456 (20,66)	35203 (22,3)	36607 (23,04)	38788 (24,2)	40024 (24,7)	39144 (23,3)	35945 (21,3)
Ўлганлар сони, (хар 1000 кишига)	8216 (5,2)	9199 (5,8)	8594 (5,4)	8438 (5,3)	8610 (5,3)	8011 (5,0)	8568 (5,1)	8205 (4,9)

Натижада аҳоли сонининг ўзгариши учун қуидагига эга бўламиз:

$$\Delta X_n = \alpha X_n - \beta X_n, \text{ яъни } X_{n+1} = X_n + \alpha X_n - \beta X_n. \quad (4)$$

Бу формулани 2012 йил учун қўлласак,

Формулага кўра,

$$X_{2011+1} = X_{2011} + \alpha X_{2011} - \beta X_{2011}, \text{ ёки}$$

$$X_{2011 \text{ охирига}} = 1693600 + 36074 - 8299 = 1721375 \text{ киши}^{25}.$$

Демак, 2012 йилда Қарақалпоғистон Республикаси аҳолисининг сони 1721375 кишини ташкил этади. Энди эса, 2020-йил охиригача прогноз берсак бўлади (7-жадвал).

7-жадвал

Қарақалпоғистон Республикаси аҳолисининг демографик ўзгариши²⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Аҳоли сони, минг киши	1721,4	1751,4	1782,0	1813,1	1844,7	1876,9	1909,7	1943,0	1977,0
Тугилганлар сони, (хар 1000 кишига)	39076 (22,7)	39794 (22,7)	40452 (22,7)	41158 (22,7)	41876 (22,7)	42634 (22,7)	43377 (22,7)	44132 (22,7)	44901 (23,0)
Ўлганлар сони, (хар 1000 кишига)	9037 (5,3)	9195 (5,2)	9355 (5,2)	9518 (5,3)	9685 (5,2)	9854 (5,2)	10026 (5,2)	10201 (5,2)	10379 (5,3)

Тузилган моделни тахлил килиш учун уч холатни кўриб ўтамиш. Унинг учун эса, юкорида берилган формулаларда γ катталикни ҳисобга олиш зарур бўлади.

Биз фойдаланган муносабатнинг $X_{n+1} = X_n + \alpha X_n - \beta X_n$ ҳар икки томонини X_n га бўлиб, ўни қуидагича аниқлаймиз:

$$\gamma = 1 + \alpha - \beta. \quad (5)$$

Демак, формуламиз қуидагича бўлади: $X_{n+1} = \gamma X_n$.

Унга асосан $X_{2011+1} = \gamma X_{2011}$.

²⁴ www.stat.uz. Ўзбекстон Республикаси статистика бошкормаси сайти ва Қарақалпоғистон Республикаси Иктисолидат вазирлиги ҳисобати

²⁵ Берилган модель асосида муаллиф томонидан 2012-2020 йилгача аҳоли сони ҳисоблаб чиқилган.

²⁶ Манба: муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган

Бу ерда γ унинг қиймати ўзгармас $\gamma = X_{2011+1}/X_{2011} = X_{2012}/X_{2011}$ десак, унинг қиймати қуйидагига тенг бўлади: $\gamma = 1721375/1693600 = 1,0164$.

Олган натижамизнинг қуйидаги уч холатдан қайси бирига тўғри келишини текширайлик.

1-ҳолат. Агар $\gamma > 1$ бўлса, $\alpha - \beta > 0$ тенгсизлик ўринли бўлади (вафот этганлар сонига караганда тугилганлар сони кўп бўлади) ва аҳоли сони йилдан йилга ортиб боради.

2-ҳолат. Агар $\gamma = 1$ бўлса, $\alpha - \beta = 0$ тенглик ўринли бўлади (вафот этганлар сони тугилганлар сонига тенг бўлади) ва аҳоли сони ўзгармас ҳолда бўлади.

3-ҳолат. Агар $\gamma < 1$ бўлса, $\alpha - \beta < 0$ тенглик тўғри бўлади (тугилганлар сони вафот этган сонидан кам бўлади) ва аҳоли сони йилдан йилга камайиб боради.

Юқоридаги ҳисоб-китобимиз бўйича $\gamma > 1$, яъни аҳоли сони йилдан йилга ортиб боради деган хуносага келамиз.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, кишлоп жойларида истикомат килувчи ахолини озиқ-овкат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам муаммолар келиб чикмоқда. Улар яшайдиган жойлар орасидаги масофаларнинг узоқлиги, корхоналар, марказлар ва дўконларнинг камлиги ва сийрак жойлашганлиги туфайли, озиқ-овкат етказиб бериш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш кийин кечмоқда.

Озиқ-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кишлоп хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга боғлик бўлса, кишлоп хўжалиги маҳсулотларини етиштириш эса экин майдонлари ҳажми ва унинг таркибига, ернинг унумдорлигига, шунингдек, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарининг куввати ва самарали ишлапшига ҳам боғлик бўлади.

Озиқ-овкат саноати республика иктисадиёти ихтисослапувида ахолининг озиқ-овкат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришда катта ўрин эгаллайди.

Хозирги кунда Коракалпоғистон Республикасида бир неча турдаги озиқ-овкат маҳсулотларини тайёрлаш корхоналари - Нукус, Хўжайли, Беруний гўшт маҳсулотларини етиштириш акциядорлик жамияти, Галла маҳсулотлари акциядорлик ассоциацияси, Ёғ акциядорлик ассоциацияси, Коракалпоғистон балиқ акциядорлик жамияти, Нукус ароқ-вино акциядорлик жамияти, Нукус консерва акциядорлик жамияти, Корақалпоғистон томат, Нукус минерал сув корхоналари ва ҳ.к. фаолият кўрсатмоқда.

Умуман, Коракалпоғистон Республикасида саноат корхоналари сони 1212 та бўлиб, ундан фаолият кўрсатиётгани 993 тани, шундан, йирик корхоналар сони 23та, кичик корхоналар сони эса 970тани ташкил этади.


Озиқ-овкат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони статистик маълумотларга кўра, 2005 йили 88, 2006 йили 83, 2007 йили 144, 2008 йили 173, 2009 йили эса 320та бўлиб, янгидан 11та корхона нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихтисослаштирилди. 2010 йилда жами 338 тани ташкил этган бўлса, 2011 йил якуни бўйича жами 220 корхона бўлиб, шундан 9таси йирик, 211таси эса кичик корхоналардир. Ишга янгидан туширилиган корхоналар эса

асосан нон, гүшт ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ихтинослаштирилган корхоналар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 26 январдаги ПК-1047-сонли қарорига мувофиқ 2011 йилда Коракалпоғистон Республикасида 5та гўштни, яъни Амударё туманида «Амударё колбаса маҳсулотлари» МЧЖда йиллик куввати 200 тоннага, Тўрткўл туманида «Лочин чорва комплекси» фермер хўжалигига йиллик куввати 200 тоннага, «Қумбесканли Шуҳрат» фермер хўжалигига йиллик куввати 120 тоннага, Кўнғирот туманида «Кросс инвест макс» МЧЖда йиллик куввати 250 тоннага эга бўлган корхоналар ишга туширилди.

Сут ва сут маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича 7та корхона, яъни Элликкаль туманида «Ўнрак насл чорва» фермер хўжалигига йиллик куввати 182 тонна, Хўжайли туманида «Karakalpak mix daig» МЧЖда йиллик куввати 700 тонна, «Б.Дадабаев» фермер хўжалигига йиллик куввати 200 тонна, Амударё туманида «Ергулобод» фермер хўжалигига йиллик куввати 130 тонна, Кўнғирот туманида «Тўртқара сексен» фермер хўжалигига йиллик куввати 100 тонна, Корайзак туманида «Шуғла» хўжалигига йиллик куввати 100 тоннага эга бўлган корхоналар ишга туширилди.

Ёғ озик-овқат маҳсулотларидан бири хисобланаб, аҳолининг ёғ маҳсулотига бўлган эҳтиёжи пахта, кунгабоқар, сарифёғ, маргарин, мол ёғи ва ҳ.к.лар ишлаб чиқариш билан кондирилиб келинмоқда. Бу соҳада Хўжайли, Беруний ёғ маҳсулотлари корхоналари ўрни салмоқлидир (1-расм).



1-расм. Коракалпоғистон Республикаси ёғ маҳсулотлари корхонасининг ёғ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми (минг сўмда)²⁷

Хом-сутни қабул қилиш бўйича 10та корхона, яъни Элликкаль туманида 2та, Беруний туманида битта, Амударё туманида битта, Хўжайли туманида битта, Нукус шаҳрида битта, Кўнғирот туманида битта, Корайзак туманида битта, Тўрткўл туманида битта, Нукус туманида битта корхона ташкил қилинди.

²⁷ Коракалпоғистон Республикасининг статистик ахборотномаси

Кўнгирот туманида «Яқибай лакки» фермер хўжалигида йиллик куввати 100 тоннани ва Нукус туманида «Нукус Агро» МЧЖда йиллик куввати 80 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди. Гўшт-сутни ва мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш ва хом-сут қабул қилиш пунктларини ташкил қилиш жараёнида 6054,4 млн. сўм маблағ сарфланиб. 176та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, 2011 йилнинг ўзида янгидан 11та нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ишга туширилди.

Қорақалпоғистон озиқ-овқат саноати корхоналарида маркетинг стратегиясини шакллантириш зарурати, бизнингча, корхоналар ва тармоқдаги бошқа ташкилотлар фаолиятининг ташки мухитидаги фундаментал ўзгаришларининг пайдо бўлиши, миллий иқтисодиётдаги ривожланишининг янги босқичи, хўжалик юритиш тизимининг янада эркинлаштирилиши, ташки иқтисодий фаолиятнинг фаол ривожланиши билан боғлиқдир ва бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган (2-расм).



2 - расм. Маркетинг стратегиясининг таркибий қисмлари²⁸

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётта инвестицияларни жалб қилиш масаласидир. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса етакчи тармокларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника-технологиялар билан жиҳозлаш ҳамда ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Масалан, Д.Ж.Скали «Маркетинг стратегияси - баркарор ракобатли устунликларни эгаллашга каратилган ва мувофиқлаштирилган харакатлардир»²⁹, -деб хисоблайди.

Бугунги кунда шундай йўналишлар кузатилмоқдаки, яқин келажакда фақат сифат ва дизайн бўйича бозордаги жорий талабларга жавоб берада оладиган маҳсулотларни қиска муддатларда ва нисбатан кичик миқдорларда ишлаб чиқара оладиган корхоналаргина ракобатбардош бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир мамлакат жумладан, Ўзбекистон ҳам саноат

²⁸ Муаллиф ишламаси.

²⁹ Скали Д.Ж. Стратегический маркетинг. Пер. с англ. -- М.: АЛЪЯНС, 2002. С.180.

корхоналарида экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойихаларини молиялаштиришнинг ташки манбалари билан бир каторда, молиялашнинг ички манбаларидан ҳам окилона фойдаланипига ҳаракат килмоқда. Бозор иктисодиёти шароитида давлат стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳамда кам фойда келтирсада, миллий иктисодиётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи обьектларни молиялаштиради. Шунингдек, таъкидлаш ўринлики, фаолият эркинилиги, ҳар бир кишининг танлаш имкониятига эга бўлишигина ракобат учун кенг йўл очади ва бу жараёнда саноат корхоналарида сифатли, ракобатбардош ва экспортбоб маҳсулотларни ишлаб чиқариш ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ракобат муҳитининг шаклланиши ўзига хос ҳусусиятларга эга (8-жадвал).

8-жадвал

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик маҳсулотлари ракобатбардошлиги стратегиясини солиштириш³⁰

Стратегия	Устунлиги	Бозор шароити	Ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошчариш	Издан чиқариш омиллари
Маҳсулот танҳархини камайтириш	Маҳсулот ҳажми-нинг ўсиши, фойда-нинг кўпайиши, ки-ришдаги тўсиклар-нинг ортиши, таль-минлаша нарх-нинг ортиши билан боғлиқ резервлар	Бозордаги катта улуш, маҳсулотга нарх бўйича талабнинг эгилувчанлиги, нархнаво ракобати, маҳсулотнинг стан-дартлашганлиги	Ишлаб чиқариши-нинг оптимал ҳажми, юкори даражадаги технологик тайёргарлик, маҳсу-лот тан-нархининг катъий назорати	Технологик янгилик-нинг киритилиши, ракобатчилар томонидан кўз-бўямачилик, талабдаги ўзгаришлар, янги маҳсулотлар
Маҳсулот табакалашуви	Маҳсулот	Истеъмолчилар томо-нидан товарнинг жи-ҳатли ҳусусиятлари-нинг тушунарлиги ва кадрланиши, ракобат-нинг асосан нарх билан боғлиқ бўлма-ганлиги	Мослашувчан иш-лаб чиқаришининг мавжудлиги, юкори даражадаги кон-струktorлик тайёр-гарлиги, салоҳиятли маркетинг хизмати	Товарнинг обручи-лиги учун сарфланадиган харажатлар, нархнинг ўсили, ракобатчиларнинг ноконуний ҳатти-харакатилари
Бозорни сегментлаш	Сотиш ҳажмининг ўсиши, фойданинг ортиши, аниқ сег-ментга ҳар томон-лама хизмат курса-тилиши	Истеъмолчиларнинг аниқ белгиланган гурухлари	Мослашувчан ишлаб чиқариш, кичик сериядаги ишлаб чиқариш тури	Ўхшаш товарларга нархни камайтириш, ракобатчилар сегмент-ларнинг маълум кисмини ўз томонига оғдириши
Бозор эҳтиёжига зудлик билан таъсир килиш	Фойданинг ошири-ши, мижозлар эҳти-ёжининг хисобга олининиши	Маҳсулотта талаб эгилувчан эмас, бозорга кириш ва ундан чиқиш учун тўсикларнинг кам-лиги, ракобатчилар сонини камлиги	Узок муддатга мўл-жалланмаган юкори рентабедли лойихалар бўйича марке-ting хизматининг олиб борилиши	Харажатларнинг юко-ри улушки, ташки му-хитининг баркарорсиз-лиги
Янгиликларни жорий этиш	Монопол баҳо хи-собига юкори фой-да олиш	Ўхшаш маҳсулотнинг йўклиги, янги маҳсу-лотга талабнинг мав-жудлиги	Ходимларнинг юкори фан-техника-вий малакаси, бош-чиқариш таркиби	Молиялаштиришнинг катта ҳажми, ногрон-лик ҳафи, ракобатчилар томонидан янги маҳсулот чиқарган-лиги тўғрисидаги ио-тўғри маълумот.

³⁰ Муаллиф ишланмаси

Иктисодий фаолият юритаётган корхона доимо техника-технологияни, маҳсулот ишлаб чиқарышни бошқариш тизимини, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиб, такомиллаштириб, янгилаб бориши лозим. Ана шундагина корхона самарали фаолият кўрсатиб, муваффақиятларга эришади.

Лекин, бозорда самарали фаолият олиб бориш учун корхоналар маркетингининг барча усусларидан ўз ўрнида, ижодий ёндашган ҳолда фойдаланишлари лозим. Чунки, барча корхоналар учун ягона, стандарт ёндалпув, стратегия мавжуд дейиш мутлако ўринисиз. Шунинг учун хулоса этиб, давлат микёсида олиб борилаётган диверсификация, модернизация килиш стратегиялари билан бирга, табакалантган (сегмент) хамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида ташкил этилган кичик корхоналарни ривожлантириш, маҳсулотлар рақобатбардошлиги стратегиялари ўтказилган тахлилилар асосида моделлар ёрдамида ишлаб чиқилиб тавсия этилган.

Ахолининг йилдан йилга ўсиб бориши озиқ-овқат саноати кувватларидан самарали фойдаланишни такозо этади, яъни мавжуд кувватлар тўлиқ тахлилини ўтказиб туриш, уларнинг ишдан чиқиш, ишга тушириш имкониятларини баҳолаш, керак бўлганда ишдан чиқарилган фондларни тиклаш мақсадида янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик обьектларини жойлантириш моделларида фойдаланиш такозо этилади.

Ушбу масалани ечишпода, биз, Аганбегян-Шатилов моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатганимиз.

Хусусан,

$$\sum_{j=1}^n \bar{\Phi}_{ij}(t) = b_{ij} x_j(t) \quad (6)$$

Тенгламани ечиш учун А.Г. Аганбегян ва Н.Ф. Шатилов томонидан мавжуд фондлар тушунчаси (Аганбегян-Шатилов А-Ш модели) киритилган.

Бу ерда $\bar{\Phi}_{ij}(t)$ - t - йилнинг охириг j - тармоқда мавжуд бўлган i - рақамли фонднинг хажми, унинг ўртача хажмини эса $\bar{\Phi}_{ij}(t)$ деб белгилаб олинган. Бундан ташқари, x_j - j -тармоқдаги фондлар куввати билан белгилангандаги j -тармоқдаги истеъмол маҳсулотининг хажми ҳисобга олишини лозим. b_{ij} - j -тармоқда бир бирлик истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқариш учун i -рақамли куввати фонддан қанчасини ишга тушириш кераклигиги кўрсатувчи коэффициент. Бу ерда фонд тушунчаси корхонанинг мавжуд ишлаб чиқариш тушунчаси билан алмаштирилиши мумкин. Ушбу моделлар мажмуаси имитацион моделлар тизимини яратиш имконини беради (Диссертацияда ушбу имитацион тизим тўлиқ келтирилган).

Озиқ-овқат саноати корхоналари барқарор ривожланиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича берилган тавсияларни амалиётга жорий этиша ишлаб чиқилган маркетинг стратегиясини озиқ-овқат саноат корхоналарида кўллаш ахолининг истеъмол товарлари билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичларини аниқлаш натижасида, мазкур маҳсулотларга бўлган талабни тўла кондириш, иктиносий фаолият самарадорлигини икки бараборга ошириш ва озиқ-овқат саноат маҳсулотларини кўшимча равища 76,766 минг сўм

миқдорида ишлаб чыкарып имкониятими бериши мүмкінлігі күрсатыб берилған.

ХУЛОСА

Бозор муносабатлари шароитида истемол бозорини ўрганиш маркетинг сиёсатини ривожлантириш билан боғлик бўлиб, бу жараённи янада такомиллантириш бўйича қуидаги таклиф га тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Маркетинг бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини чукур билиш тижорат хавф-хатарини ўз вактида хис килиш ва камайтириш ёки бартараф этиш, унинг мукобил турлари, варианatlарининг энг мақбулини танлаш, ракобат шароитида бозорни юкори сифатли товар ва хизматлар билан түйинтириш, доимий талаб бўлган шароитда харилорларнинг турли турухлари учун сотиш хажми ва нархини аниқлашга, оқибатда ижтимоий ишлаб чыкариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Шу асосда озик-овқат саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши имкониятларига эга бўламиз. Бу эса, ҳар бир корхонанинг истикболини, аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, озик-овқат маҳсулотига бўлган талаб ва таклиф асосида маҳсулот ишлаб чиқариш кувватларини модернизация қилишни, хисобдан чиқарилиши керак бўлган фондлар ҳажмини белгилаш ва уларни ўрнини тўлдириш максадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишларини ва кувватларини хисоблаш зарур. Ушбу муаммони ҳал килишга каратилган имитацион моделлар тизими таклиф килинган. Ўзбекистоннинг марказлаштирилган ва режалаштирилган иктисадиётдан эркин ҳўжалик муносабатларига асосланган бозор иктисадиётига ҳамда бошқаришнинг янги иктисадий тизимига ўтишида иктисадиётнинг асосий субъектларидан бири бўлган корхоналарнинг мулк шакли, уларнинг таркиби ва фаолият мухити ҳам ўзгарди. Бу жараёнларда нодавлат тармоқлар хиссасининг ортиб бориши ўтиши иктисадиёти учун хос бўлган конуниятдир.

2. Қарор топаётган янги ижтимоий-иктисадий шароит иктисадиётнинг яна бир мухим субъекти бўлган истеъмолчиларнинг ҳам талаб ва эктиёжларига бевосита таъсир кўрсатади. Бундай шароитда ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчилар манфаатларини уйғунлаштириш мухим аҳамият касб этади. Мана шу вазифани амалга оширицида маркетинг тизимининг аҳамияти янада ортиб бораверади. Ҳозирги ривожланиш шароитида маркетингнинг замонавий концепцияси иктисадиётни ривожлантиришга каратилган бўлиб, бу жараёндан ҳўжалик субъектларидан тўлаконли фойдаланиши учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

3. Мамлакатда амалга оширилаётган иктисадий ислохотларнинг ҳозирги боскичида бозор муносабатларининг барча элементлари учун замин яратилмоқда. Аммо, озик-овқат саноати тармоқлари замон талаби даражасида шаклланадиган йўқ. Савдо-харид омборлари етарли даражада товар заҳираларига эга эмас. Чунки, кўшни мамлакатлардаги савдо-харид базалари билан алокалар узилиб қолган, моддий - техника воситалари эскирган. Шунинг учун ҳам, озик-овқат саноати тармоқлари, улгуржи савдо ва бошқа савдо

уюшмалари хамда хорижий хамкорлар билан шартномавий муносабатларни мустахкамлаши керак.

4. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар салоҳиятини бозор муносабатлари талаблари асосида юксалириш зарур. Бунинг асосий сабаби шундаки, бозор муносабатлари шаронтида савдо, бозор категориялари, уларнинг моҳияти янада кучайтирилиши талаб этилади.

5. Маркетинг тамойили асосида ракобат ва ракобатбардошлиқ муносабатлари ривожланиши, ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини ракобатчи корхоналар билан солиштирган ҳолда бозордан ўз ўрнини топилиши ва баркарор фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратиши лозим. Шу максадда Узбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолияти» чеклаш ва ракобат тўғрисида»ги конун талаблари бажарилишига эришиши, савдо-сотик жараёнларини замон талаблари асосида шакллантириш ва ривожлантиришга эришиш зарур.

6. Озиқ-овқат саноати товарлари бозорида маркетингни ташкил килиш ва мажмуали бошқаришда маркетинг хизматини юритиш, тартибга солиш ва уни назорат қилиш, қабул килинаётган карорларнинг стратегик характеристири ва бошқариш механизмининг ҳамма элементлари уйғунлигини таъминлаш лозим. Бунинг учун шаҳар ва туман марказларидағи савдо-карид бўғинлари ишини замонавий коммуникация тизими асосида қайта ташкил этили, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар билан доимий шартномавий алокалар ўрнатиш, олдиндан буюртмалар бериш, нарх-наволарни келишиш ва бошка ишларни йўлга кўйиш лозим.

7. Озиқ-овқат саноати шоҳобчаларини модернизация қилиш ва ихтисослаштириш ишларининг кучайтирилиши, товарлар ва хизматларни «Истеъмол мажмуалари» шаклида таклиф этиши ва буни амалга ошириш учун бошқа хизмат кўрсатиш шоҳобчалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва улар фаолиятини йўлга кўйиш, шунингдек, уларни кайси жойларда қуриш билан боғлиқ ишларни ҳал қилиш керак бўлади.

8. Озиқ-овқат товарлари бозори мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан эмас, балки хориждан келтирилган товарлар билан тўлдирилмоқда. Бундай ҳолат нархлар ўсишига ва ахоли реал даромадлари пасайиншига олиб келади. Истеъмол бозорини фаоллаштириш, уни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш республика товар ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама кўллаб-куvvatлари, рағбатлантиришни талаб этиади. Уларга ракобатли бозорда эркин харакат қилиш асосларини ўргатиш, уларни менежмент, маркетинг соҳасидаги билимларини ошириш масаласига янада жиддий ёндашиб лозим.

9. Ҳозирги пайтда республика истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, уни хориждан келаётган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан химоя қилиш долзарб масаладир. Бунинг учун корхоналарни бошқариш, ишлаб чиқариш ва ахолига хизмат кўрсатиш жараёни мониторингини юритиш, технологик жараёнлар бажарилётганлиги, ишчи ўринларни тўлдирилиши, моддий ва пул маблағлари харакати, иш вақтининг тўғри сарфланиши, моддий захиралар, тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги

зарур. Бу, ўз навбатида, корхонадаги муаммоларни ўз вактида хал этиш имкониятини беради.

10. Ишлаб чикарувчи ва истеъмолчилар манфаатлари ўзаро уйғулугини таъминловчи нарх механизмини шакллантириш талаб ва таклиф нисбатларини хисобга олган ҳолда ҳосил килинади ва бу жараён бозорда эркин кўринишда намоён бўлади. Бозорда талаб, таклиф ва нархлар ўртасидаги боғлиқлик эҳтиёжлар асосида юзага келган талабнинг мавжуалиги ва уни кондириш мақсадида сотувчилар томонидан таклифи шакллантириши бўлиб, уларинг ўзаро таъсири натижасида тенглик нуктаси пайдо бўлади ва бу нарх-навоининг шаклланиши учун ўлчов мезони хисобланади.

11. Маркетинг фаолияти асосида ишлаб чикилган сегментларни умумлаштириш ва ташлашни амалга ошира бориб, уни маркетинг стратегиялари асосида таъминлаб бориш, истеъмолчилар билан бевосита муносабатда бўлиш ва тижорат имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадида маҳсулотларнинг сотилишини маҳсус савдо корхоналари зиммасига юклаш ва зарур хизматлар кўрсатишни уюштириш керак бўлади.

12. Ишлаб чикариш технологиясини янгилаш бориш ва бунинг асосида меҳнат унумдорлиги ўсиши, маҳсулот турларини янгилаш бориш, такомиллаштириш, янги турдаги хизматлар кўрсатиш билан боғлик масалаларни хал килиш ва улар ихтисослашувини таъминлап лозим. Республика ҳудудий бозори савдосини ташкил этишини амалга ошириш, маҳсус ҳудудий шўйбалар очиш орқали уларнинг савдосини уюштириш мақсадга мувофиқ.

13. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларига бошқа мамлакатларда талаб мавжудлигини эътиборга олиб, икки томонлама манфаатдорликни хисобга олган ҳолда, жаҳон бозорига чиқиши ҳамда экспорт-импорт имкониятларини ўрганиш ва ташкил этишини йўлга кўйиш лозим. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чикариши учун зарур ҳом ашё ва материаллар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида кулагай манбаларга эга бўлиш, бунинг учун, аввало, ишлаб чикаришини ташкил этиш, бу билан унинг импорти ва валюта зарурияти муаммосини хал қилиш зарур.

14. Озиқ-овқат саноатида ракобат мухитини янада кенгайтириш, истеъмолчилар хукуқлари химоясини кучайтириш, янгидан-янги иш услубларининг жаҳон тажрибасини ўргангандек ҳолда жорий этиш лозим. Истеъмол товарлари бозори истиқболини олдиндан режалаштириш, бунинг учун унинг ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил килиш ва натижалари билан барча савдо субъектларини таъминлаб туриш тизимини яратиш зарур.

15. Корхоналар салоҳиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар ишлаб чикараётган маҳсулотларни ички ва ташкил бозорларда сотиш учун стандартлаштириш ва ҳалқаро мезонлар асосида сертификатлаш талаб қилинади. Шу муносабат билан муайян озиқ-овқат маҳсулотлари турларини сертификатланни амалга ошириш тартибини ихчамлаштириш, эркинлаштириш ва ҳалқаро сертификатлаш тизимлари ва битимларини хисобга олиш керак. Айниқса, товар ишлаб чикариш билан боғлик бўлган мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Истеммол бозорида шакланадиган нарх-навога таъсир кўрсатиш ракобат мухитини юзага келтириш максадида озиқ-овкат маҳсулотларини уюшган холда сотиш ишларини йўлга кўйиш лозим.

16. Озиқ-овкат саноатини ривожлантириш ва уни такомиллаштириш борасидаги ишларни олиб бориши ва Ўзбекистон миллый бозорини ўзлаштириш чораларини кўллаш, Республика бозорларида савдони замон талаблари асосида ташкил этишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиши лозим. Шу билан бир вақтда, умумий маркетинг стратегияси ёки товарлар ва истеммолчилар бўйича табакаланганди маркетинг стратегияси ҳар бир сегмент хусусиятларига мувоффиклаштирилиб, маҳсус хусусий стратегиялар шаклига келтирилиши талаб этилади.

Илмий ва амалий натижаларга асосланниб олинган хуносалар ва таклифлар озиқ-овкат саноатини ривожланиши учун муҳим йўналиш хисобланади ва бу жараён мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим вазифалардан бирини бажаради.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Балташева З.А. Особенности сетевой экономик //Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги муаммолар ва янги ахборот технологиялар мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллар тўплами (21-23 апрель 2004 йил), Нукус., -Б.17-19.

2. Балташева З.А. Internet и ее применение на малого и среднего бизнеса //Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги муаммолар ва янги ахборот технологиялар мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллар тўплами (21-23 апрель 2004 йил), Нукус., -Б.43-44.

3. Балташева З.А. Көрханалардың экономикалық жағдайларын таллауда информациялық технологиянын орни //Проблемы изучения и пути решения социального развития региона в условиях экологического кризиса мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллар тўплами (13-14 сентябрь 2004 йил), Нукус., -Б.31-32.

4. Балташева З.А. Принятие решений в системе анализа маркетинговой информации с помощью современных технологий //Тураклы экономикалық раўажландырыў хэм баскарды́да информациалық хызмет мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллар тўплами (14-16 апрель 2005 йил), Нукус., -Б.40-44.

5. Балташева З.А., Реймбаев А.К Иктиносидий масалаларни ечишда Excel тизимидан фойдаланиш технологияси //Тураклы экономикалық раўажландырыў хэм баскарды́да информациалық хызмет мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллар тўплами (14-16 апрель 2005 йил), Нукус., -Б.50-53.

6. Балташева З.А. Инновация фаолиятини бошкариш босқичлари //«Экономика хэм банк» жэмийетлик хэм илмий-көпшилик журналы - Нукус, 2005, №1-2, -Б.31-34

7. Балташева З.А. Янги технологияларга бўлган талабни чекловчи омилларни аниқлаш ва чукур илм талаб киладиган ишлаб чиқариш

тузилмаларни шакллантириш //«Экономика хэм банк» жамийетлик хэм илимий-копшилик журналы - Нукус, 2005, №3-4, -Б.6-9.

8. Балташева З.А., Каражанова Р.Ж. Значение управления оборотными средствами в текущей деятельности предприятия //«Экономика хэм банк» жамийетлик хэм илимий-копшилик журналы - Нукус, 2005, №5-6, -Б.38-42,

9. Балташева З.А. Интернет и его роль маркетинге //Экономиканы срекинлестириү шәрәятында регион экономикасын раўажландырыү машқалалары мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллар түплами (3-5 май 2006 йил), Нукус, Б.47-48.

10. Балташева З.А. Тармақ экономикисы //Межвузовской научной конференции студентов и магистрантов «Мир науки и духовной культуры в современных условиях» (15-17 февраля 2007 г.), Нукус, -С.99-100.

11. Балташева З.А. Азық-аўқат санаатында маркетингли стратегиянын ехмийети хэм роли //Миллый экономикада бәсекеге цыдамлылыкты арттырыү хэм регионаллық баскарлығында машқалалары мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллар түплами (15-16 май 2007 йил), Нукус., -Б.15-18.

12. Балташева З.А. Озиқ-овқат саноат корхоналарининг маркетинг имкониятларини баҳолаш //Иктиносид таркибий қисмлари ўргасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари түплами (6- июнь, 2008 йил), Тошкент, -Б.157-159.

13. Балташева З.А. Озиқ-овқат товарлари бозорининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари //Иктисад ва таълим журнали, Тошкент, 2008. №4, -Б.72-75.

14. Балташева З.А. Тараб, таклиф, баҳо //Солик тўловчининг журнали, Тошкент, 2008. №11, -Б.39.

15. Балташева З.А. Анализ конкурентоспособности предприятия //Экономиканы раўажландырыуда дунъя жузилик инновацияларды пайдаланыү машқалалары. Маколалар түплами. Нукус, 2009. -Б.32-34.

16. Балташева З.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлентиришда кредитлаш ва ракобатбардошлиқ мухитини шакллантириш //Иктисад ва таълим журнали, Тошкент, 2011. №4, -Б.100-102.

17. Балташева З.А. Мамлакатимизда иктиносидётни либераллаштириш ва модернизациялашнинг мухим ахамияти //Ўллы хэм мукаддессен ғәрезсиз Ўатан! республика илмий-амалий анжумани мақолалар түплами. Нукус, 2011, -Б. 240-247.

18. Ембергенов А., Балташева З.А. Новая технология сбора и обработки статистической информации //Экономикалық анализ, информатика. Мақолалар түплами. - Нукус, 1999. № 1, -Б. 3-6.

19. Ембергенов А., Гулямов С.С., Балташева З.А. Особенность создания маркетинговой информационной технологии в пищевой промышленности //Журнал Вестник, Нукус, 2001. № 4, -С. 41-45.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талаббор Балташева Зухра Аденбаевнанинг 08.00.11 –Маркетинг ихтисослиги бўйича «Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат саноатининг ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: бозор иқтисодиёти, озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати корхоналари, озиқ-овқат маҳсулотлари бозори, маркетинг фаолияти, рақобатбардошлик, қишлоқ хўжалиги корхоналари турлари, корхоналарни ривожлантиришнинг маркетинг стратегиялари.

Тадқиқот объектлари: Қорақалпоғистон Республикаси озиқ-овқат саноати корхоналари.

Ишнинг максади: Қорақалпоғистон Республикаси озиқ-овқат саноатининг ривожланишида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши бўйича назарий ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқот методлари: тадқиқот ишида мантиқий, тизимли ва қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, башоратлаш, математик имитация ва бошқа усуllibардан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: бозор рақобати кескинлашуви шароитида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш зарурлиги асосланди; Қорақалпоғистон Республикаси озиқ-овқат саноатининг мамлакат иқтисодиётida тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ушбу соҳа маҳсулотлари бозорида маркетинг стратегиясининг бугунги ҳолати ўрганилди, уни ривожлантиришнинг зарурияти, тамойиллари ва афзалликлари асосланди; мавжуд имкониятлар ва аҳоли сонининг ўсиб боришини хисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг яқин ва узоқ келаజақдаги истиқболлари кўрсатиб берилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар корхоналарнинг бозор улушлари ва фаолият кўлламларини кентайтириш имкониятини беради. Бунинг натижаси ӯлароқ, республикадаги иқтисодий вазият яхшиланади, бозор зарурий товарлар билан тъминланади ва харидорларнинг талаблари қондирилади. Ишда тавсия этилган имитацион моделлар олий ўкув тизимида иқтисодиётнинг макромоделларини тузиш ва ўрганиш йўналишида фойдаланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияда ишлаб чиқилган хуроса ва таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган (2012 йил 5 январдаги 05/07-сонли далолатнома). Шунингдек, тадқиқотнинг айrim натижалари Қорақалпоқ давлат университетининг ўкув жараёларида кўллаш учун (2012 йил 6 январдаги 01-21-01/17-сонли далолатнома) қабул килинган

Кўлланиш соҳаси: Республика қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати турии корхоналарининг истиқболли ривожланишларини режалаштиришда ва олий ўкув тизимида фойдаланиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Балташевой Зухры Аденбаевны на тему: «Разработка маркетинговых стратегий развития производства продуктов питания в Республике Каракалпакстан» на соискание учёной степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.11 – «Маркетинг»

Ключевые слова: рыночная экономика, продукты питания, предприятия по производству продуктов питания, рынок продуктов питания, маркетинговая деятельность, конкурентоспособность, типы предприятий сельского хозяйства, маркетинговые стратегии развития предприятий.

Объекты исследования: промышленные предприятия по производству продуктов питания Республики Каракалпакстан.

Цель работы: разработка теоретических и практических рекомендаций по выработке маркетинговых стратегий развития промышленных предприятий по производству продуктов питания Республики Каракалпакстан.

Методы исследования: в работе использованы методы логического, системного и сравнительного анализа, социально-статистического анализа, экспертной оценки, прогнозирования, математической, имитации и другие методы исследования.

Полученные результаты и их новизна: доказана необходимость разработки маркетинговых стратегий в условиях обострения рыночной конкуренции; показано место промышленности производства продуктов питания Республики Каракалпакстан в экономике страны и изучены ее особенности, а также изучено сегодняшнее состояние маркетинговых стратегий рынка продуктов питания, обоснована необходимость, принципы и преимущества его развития; предложены пути развития промышленности продуктов питания Республики Каракалпакстан в ближней и дальней перспективе с учетом имеющихся возможностей и роста числа населения.

Практическая значимость: разработанные на основе результатов диссертационной работы предложения и рекомендации способствуют расширению рыночного сегмента и области действия предприятий. В результате этого улучшается экономика республики, рынок насыщается необходимым товаром, и обеспечивается потребность населения. Предложенные в работе имитационные модели могут быть использованы в учебном процессе вузов по направлению разработки и изучения макромоделей экономики.

Степень внедрения и экономическая эффективность: разработанные предложения и рекомендации переданы для применения в практику Министерства экономики Республики Каракалпакстан (акт № 05/07 от 05.01.2012 г.). Кроме того, отдельные результаты исследования приняты к внедрению в учебный процесс Каракалпакского государственного университета (акт №01-21-01/17 от 06.01.2012 г.).

Область применения: результаты работы могут быть использованы при планировании развития предприятий сельского хозяйства и промышленности продуктов питания республики и в системе высшего образования.

RESUME

Thesis of Baltasheva Zukhra Adenbaevna on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in economics specialty 08.00.11- «Marketing», subject «**Working out marketing strategies of foodstuff manufacture development in the Republic of Karakalpakstan»**

Key words: market economy, foodstuff, the enterprises for manufacture of foodstuff, the market of foodstuff, marketing, competitiveness, types of the enterprises of agriculture, marketing strategy of development of the enterprises.

Subjects of the research: the industrial enterprises for foodstuff manufacture of the Republic of Karakalpakstan.

Purpose of work: Working out of theoretical and practical recommendations about making marketing strategies of development of the industrial enterprises for manufacture of foodstuff in the Republic of Karakalpakstan.

Methods of the research: Methods of the logic, system and comparative analysis, the social-statistic analysis, an expert estimation, forecasting, imitation modeling and other methods of research are used.

The results obtained and their novelty: Necessity of making marketing strategies in the conditions of an aggravation of a market competition is proved. The importance of the foodstuff industry of the Republic of Karakalpakstan in the national economy is shown and its features are studied; the today's condition of marketing strategy of the foodstuff market is studied, necessity, principles and advantages of its development are proved.

The ways of the foodstuff industry development of the Republic of Karakalpakstan to near and far prospect taking into account available possibilities and growth population are offered.

Practical value: The offers and the recommendations developed on the basis of thesis results promote expansion of a market segment and widen the scope of the enterprises. As a result of it the republic economy improves, the market is filled with the necessary goods, and the demand of the population to a foodstuff is satisfied.

The imitating models offered in work can be used in educational process of universities in the direction of working out and studying the macromodels of economy.

Degree of embed and economic effectivity: The developed recommendations are offered for application in practice in the Ministry of Economics of Republic of Karakalpakstan (the certificate № 05/07 from 5/01/2012). Besides some research results have been introduced in academic process of the Karakalpak State University (the certificate №01-21-01/17 from 06.01.2012).

Field of application: Results of work can be used at planning the development of the enterprises of agriculture and the foodstuff industry of the republic and in an educational system.

Көнгөз бичими	1,3 б.т.
Босишга рухсат этилди	13.04.2012 й.
Тиражи	100 нусха
Буюргма №	491

Тошкент давлат ингисидёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон шоҳ хўчаси, 49-й